

---

## БАҲРОМЖОН ОБИДЖОНОВ ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ МУАССИСЛИГИДАГИ “ЯНГИ ФАРҒОНА” ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Вилоят ҳокимининг тегишли қарори билан Обиджонов Баҳромжон Анваржонович Фарғона вилояти ҳокимлиги муассислигида ташкил этилган “Янги Фарғона” газетаси таҳририяти бош муҳаррири этиб тайинланди.

Ушбу тайинлов кеча бўлиб ўтган вилоят ҳокимлиги ижроия аппарати йиғилишида эълон қилинди.

Баҳромжон Обиджонов 1970 йил 4 октябрда Олтиариқ туманида туғилган. 1993 йилда Тошкент давлат университетини журналистика факультетини тамомлаган. 2010 йилга қадар Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси, "Давр минбари" газетаси бош муҳаррири вазифаларида фаолият олиб борган. 2010-2015 йилларда Фарғона вилояти ҳокимлигининг "Фарғона ҳақиқати – Ферганская правда" газеталари бош муҳаррири лавозимида ишлаган. 2015-2020 йилларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати бўлган. 2020 йилдан буён Ўзбекистон МТРК Фарғона вилояти телерадиокомпанияси директори бўлиб ишлаб келади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-13 12:57:10